



AFGHANISTAN'S ROLE IN MODERN SECURITY ISSUES

Mutalib Kasimov

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science

Uzbekistan

Shokhrukh Burkhanov

Independent Researcher

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Afghanistan, Regional Security, Taliban, Ethnic Conflicts, Geopolitics, Central Asia

Received: 23.11.24

Accepted: 25.11.24

Published: 27.11.24

Abstract: The article explores the pivotal role of Afghanistan in contemporary international and regional security frameworks. With the U.S. military withdrawal and the Taliban's resurgence in Kabul, the geopolitical significance of Afghanistan has surged, making it a focal point of security studies. The authors highlight the perspectives of Uzbek President Shavkat Mirziyoyev, who emphasized Afghanistan's security as integral to the stability of Central and South Asia.

Drawing on the Copenhagen School's comprehensive security theories, the article identifies five dimensions of security: political, economic, military, environmental, and social. Additionally, it proposes three supplementary aspects—ethnic, religious, and geopolitical security—to better contextualize Afghanistan's challenges. Persistent ethnic divisions, historical governance biases favoring Pashtun elites, and the need for constitutional reforms to ensure equality among Afghanistan's diverse ethnic groups. The dominance of Islamic ideological influence on Afghan politics and governance, compounded by the Taliban's controversial policies and the presence of extremist groups threatening regional stability. The strategic interests of regional (Pakistan, Iran, India) and global (U.S., China, Russia) actors, as well as the implications of external interventions.

The authors critically analyze various academic and policy-oriented works, pointing out gaps in the study of Afghanistan's impact on U.S.-Pakistan security relations. They conclude that Afghanistan's stability remains a cornerstone for regional peace and security, necessitating comprehensive and inclusive approaches in international and regional policies.

АФГОНИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИДА ТУТГАН ҮРНИ

Муталиб Касимов

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон

Шоҳруҳ Бурханов

Мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Афғонистон, Минтақавий хавфсизлик, Толибон, Этник можаролар, Геосиёсат, Марказий Осиё.

Аннотация:

Мақолада Афғонистоннинг замонавий ҳалқаро ва минтақавий хавфсизлик тизимидағи ҳал қилувчи роли кўриб чиқилади. АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетиши ва Толибоннинг Кобулда қайта тикланиши билан Афғонистоннинг геосиёсий аҳамияти ортиб, уни хавфсизлик бўйича тадқиқотлар марказига айлантирди. Муаллифлар Афғонистон хавфсизлиги Марказий ва Жанубий Осиё барқарорлигининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг истиқболларини алоҳида таъкидлайдилар.

Копенгаген мактабининг кенг қамровли хавфсизлик назарияларига таянган ҳолда, мақола хавфсизликнинг беш о'лчовини белгилайди: сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва ижтимоий. Бундан ташқари, у Афғонистон муаммоларини яхшироқ контекстлаштириш учун учта қўшимча жиҳатни – этник, диний ва геосиёсий хавфсизликни таклиф қиласди.

Тадқиқот қўйидагиларга асосан қаратилган бўлиб, хусусан, этник хавфсизлик соҳаси доимий этник бўлинишлар, Пуштун элиталарини қўллаб-кувватловчи тарихий бошқарув тарафламалари ва Афғонистондаги турли этник гурухлар ўртасида тенгликни

таъминлаш учун конституциявий ислоҳотлар зарурати. Шунингдек, Афғонистон сиёсати ва бошқарувида исломий мағкуравий таъсирнинг хукмронлиги, Толибоннинг зиддиятли сиёсати ва минтақавий барқарорликка таҳдид солувчи экстремистик гуруҳларнинг мавжудлиги.

Бундан ташқари, минтақавий (Покистон, Эрон, Хиндистон) ва глобал (АҚШ, Хитой, Россия) иштирокчиларининг стратегик манфаатлари, шунингдек, ташқи аралашувларнинг оқибатлари таҳлил этилган. Афғонистоннинг АҚШ-Покистон хавфсизлик муносабатларига таъсирини ўрганишдаги камчиликларни кўрсатиб, турли академик ва сиёсатга йўналтирилган ишларни танқидий таҳлил қилинади. Улар Афғонистон барқарорлиги минтақавий тинчлик ва хавфсизликнинг асоси бўлиб қолиши, халқаро ва минтақавий сиёсатда кенг қамровли ва инклузив ёндашувларни талаб қиласа, деган холосага келишди.

РОЛЬ АФГАНИСТАНА В СОВРЕМЕННЫХ ПРОБЛЕМАХ БЕЗОПАСНОСТИ

Муталиб Касимов

Доктор философии (*PhD*) в области политических наук
Узбекистан

Шоҳруҳ Бурханов

Независимый исследователь
Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Афғонистон, региональная безопасность, Талибан, этнические конфликты, geopolitika, Центральная Азия.

Аннотация: В статье исследуется ключевая роль Афғонистана в современных системах международной и региональной безопасности. С США вывод войск и возрождение талибов в Кабуле, geopolитическое значение Афғонистана резко возросло, что сделало его центром исследований в области безопасности. Авторы освещают точку зрения президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, который подчеркнул, что безопасность Афғонистана является неотъемлемой частью стабильности Центральной и Южной Азии.

Опираясь на комплексные теории безопасности Копенгагенской школы, в статье выделяются пять измерений безопасности: политическое,

экономическое, военное, экологическое и социальное. Кроме того, в нем предлагаются три дополнительных аспекта – этническая, религиозная и geopolитическая безопасность – для лучшего контекстуализации проблем Афганистана. Стойкие этнические разногласия, историческая предвзятость руководства в пользу пуштунской элиты и необходимость конституционных реформ для обеспечения равенства между различными этническими группами Афганистана. Доминирование исламского идеологического влияния на афганскую политику и управление, усугубляемое противоречивой политикой Талибана и присутствием экстремистских группировок, угрожающих региональной стабильности. Стратегические интересы региональных (Пакистан, Иран, Индия) и глобальных (США, Китай, Россия) игроков, а также последствия внешнего вмешательства.

Авторы критически анализируют различные научные и политические работы, указывая на пробелы в изучении влияния Афганистана на американо-пакистанские отношения в области безопасности. Они приходят к выводу, что стабильность Афганистана остается краеугольным камнем регионального мира и безопасности, что требует комплексных и инклюзивных подходов в международной и региональной политике.

Бугунги халқаро хавфсизлик тизимида жиддий ўзгариш жараёнлари содир бўлмоқда. Мазкур шароитда дунёнинг ҳеч бир давлати халқаро ва минтақавий хавфсизликка доир масалалардан ўзини айри ва холи деб тасаввур қила олмайди. Чунки халқаро тартибот қоидаларининг издан чиқаётгани, глобал хавфсизлик институтлари фаолиятидаги муаммолар ҳамда давлатлараро ишонч инқирозининг кучайиб бораётгани натижасида хавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш зарурияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

АҚШ ҳарбий кучларининг Афғонистон худудидан чиқиб кетиши ва “Талибон” ҳаракатининг Кобул ҳокимиятини қайта қўлга киритиши билан боғлиқ геосиёсий шароитда Афғонистон омилиниң бугунги замонавий халқаро муносабатларга таъсирини тадқиқ этиш илмий тадқиқотларнинг муҳим обьектига айланмоқда.

Афғонистон омили ҳақида 2021 йилнинг 21 сентябрида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида: “Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осий минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир. Халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмайди”[1], деб таъкидлаган эди. Шу сабабдан ҳам Афғонистондаги вазиятга катта таъсир ўтказаётган сиёsat субъектларининг ўзаро муносабатларидаги афғон омилини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Афғонистон ҳар қандай даврда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва бирламчи омили бўлиб келган. Бу айниқса, Марказий ва Жанубий Осиё, Россия, Хитой, Эрон ва Кўрфаз араб монархияларининг миллий манфаатлари доирасида устувор аҳамият касб этади. Бугунги даврда хавфсизликни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Халқаро ва минтақавий хавфсизликка ноодатий чақириклар сони тобора кенгайиб борар экан, уни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам шу қадар мураккаблашиб бораверади.

Хавфсизлик масалаларига оид илмий изланишлар орасида Копенгаген мактаби алоҳида аҳамият касб этади. Унда хавфсизлик тушунчаси ва моҳиятига нисбатан комплекс ёндашувлар илгари сурилади. Копенгаген мактабининг йирик вакили, хавфсизликка оид назариялари билан танилган олим Барри Бузан хавфсизлик ва минтақавий хавфсизлик тушунчаларига комплекс ёндашиш лозимлигини таъкидлайди. У хавфсизликнинг 5 та асосий жиҳатини ажратиб кўрсатади: сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва ижтимоий хавфсизлик. Бузаннынг нуқтаи назарига кўра, минтақавий хавфсизлик нафақат ҳарбий аспектларни таҳлил қилишни, балки турли ўлчовларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишни тақозо этади[2].

Б.Бузан қарашларига мувофиқ фикр юритсак, Афғонистоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва ижтимоий хавфсизлиги билан ҳар қандай омиллар минтақавий хавфсизлик доирасида тадқиқ этилиши лозимлиги яққол аён бўлади. Олимнинг хавфсизликка комплекс ёндашиш хусусидаги фикрларига таянган ҳолда Афғонистон шароитидан келиб чиқиб, юкоридаги 5 та хавфсизлик турларига яна 3 та мухим жиҳатларни кўшишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Этник хавфсизлик: ўз ичига миллатлар ва этнослараро тутувлик ва ҳамжиҳатликни қамраб олади. Афғонистонда 30 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қиласи. Аммо, ўлкадаги этник хавфсизликни таъминлаш узоқ йиллардан буён самарасиз бўлиб келмоқда. Бунга 1747 йилдан буён Кобул ҳокимияти (Бачайи Сақо ва Бурхониддин Раббоний бошқаруви истисно) паштунлар сулолалари томонидан бошқариб келинаётгани,

қолган оз сонли этник вакилларга нисбатан миллатчилик кайфиятининг мавжудлиги ҳамда кенг этнослар вакилларининг давлат бошқарувидағи иштирокини ўзаро тенглик асосида тақсимланмагани сингари сабаблар ўз таъсири ўтказиб келмоқда. “Афғон болқонлашуви” назариясининг муаллифи Сухроб Бўронов ўз тадқиқотларида Афғонистондаги этник хавфсизликка оид муаммоларни санаб ўтар экан, ўз фикрларини қуидагича асослайди: “З.Бжезинскийнинг мустақил Марказий Осиё давлатлари этник, минтақавий, диний ва бошқа можаролар маконига айланиши юзасидан билдирган тахмини ўзини оқламаган бўлса ҳамки, бироқ унинг Афғонистонга оид “болқонлашув” назарияси ҳозирда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Афғон “болқонлашув” назарияси мамлакатда этносиёсий низоларнинг тез-тез содир бўлиши билан узвий боғлиқ. Маълумки, Афғонистон этносларининг тарихий шаклланиш жараёни бир неча уруғ ва қабилаларнинг ўзаро бирлигига асосланиши натижасида юзага келган”. Назария муаллифининг фикрича, афғон “болқонлашув” жараёнлари бу масалада давлат томонидан бир қатор ислоҳотлар ўтказилиш заруритини тақозо этади. Биринчи навбатда, Афғонистонда истиқомат қилаётган барча этнос вакилларининг хуқуқлари ва эркинликларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласи Афғонистон раҳбариятининг энг муҳим вазифаларидан бўлмоғи лозим. Хусусан, Афғонистон Конституциясининг 4 моддасига кўра “Афғонистоннинг миллий ҳокимияти тўғридан-тўғри ва у сайлаган вакиллардан иборат миллатга тегишли ҳисобланади. Афғонистон миллати пуштун, тоҷик, ҳазора, ўзбек, балуж, туркман, нуристоний, помирий, араб, гужар, броҳуй, қизилбош, аймоқ ва пашойи ва бошқа қавмлардан иборат. “Афғон” сўзи Афғонистоннинг ҳар бир фуқаросига тегишли ҳисобланади. Миллат шахсларидан ҳеч бири Афғонистон фуқаролигидан маҳрум қила олмайди”. Бундан кўриниб турибдики, юқорида тилга олинган қавмларнинг барчаси афғон миллатини ташкил этади ва 14 та этник гурухнинг мамлакат Асосий Қонунида ажратилган ҳолатда номма-ном қўрсатилиши афғонларнинг ягона ҳалқ бўлиб шаклланишига хуқуқий жиҳатдан тўқсинглик қиласи. Ҳолбуки, Афғонистонда 30 дан ортиқ этнос вакиллари мавжудлиги эътиборга олинса, Афғонистон Конституциясига маълум ўзгартиришлар киритиш зарурлигини, яъни бу ўлкада истиқомат қиласиган барча этнос вакилларини ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, миллатидан қатъий назар Афғонистон фуқароси, деб тан олинишини тақозо этади. Барча этносларнинг тенглигини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш амалиётда этносиёсий тотувликни таъминлаш учун замин яратади. Шунингдек, ушбу хужжатнинг 6 моддасида давлат демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган тарақкий этган ва гуллаган жамият барпо этишга, ҳар бир инсоннинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга, давлатнинг барча худудларида барча миллатлар ва элатлар орасида миллий бирлик ва тенгликни таъминлашга масъул эканлиги қайд этилган.

Афғонистон Конституциясининг 4 моддасига юқорида таъкидланган кўринишдаги ўзгартиришлар киритилиши 6 моддада назарда тутилган давлатнинг ижтимоий вазифаларига тўла мос келади[3].

Афғонистондаги этник хавфсизлик масалалари тўғридан тўғри Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимиға таъсир кўрсатувчи хусусиятга эга. Бошқача айтганда, Афғонистонда Марказий Осиёнинг ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз миллати вакиллари, Афғонистон ва Покистон чегарасида эса паштунлар омилиниң мавжудлиги этник хавфсизликни минтақавий хавфсизликдан айри тасаввур этиб бўлмаслигини кўрсатиб беради.

2. Диний хавфсизлик: ушбу тушунча жамият ҳаётида виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликнинг таъминланганлик ҳолатини англатади. Ислом омили Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фундаментал м мафкуравий асоси бўлиб, у давлат бошқарувига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Таникли афғоншунос, сиёсий фанлар доктори, профессор А.Ҳайдаровнинг маълумотларига кўра, Афғонистондаги масжидларнинг сони 120 мингдан ошиб кетади. Мусулмон руҳонийларининг умумий сони эса 350-400 мингга яқин. 2019 йилга кўра, ушбу руҳонийлар кўрсаткичи Афғонистоннинг 272 минг нафардан кўпроқ бўлган қуролли кучларидан ҳам кўпроқ ҳисобланади [4]. Шу рақамларнинг ўзи ҳам Афғонистондаги ислом омилиниң ўрни ва таъсирини англаш учун етарли бўлади.

2021 йил августдан бўён Афғонистонни назорат қилиб келаётган амалдаги “Толибон” хукумати сиёсатида ҳам диний хавфсизлик масалалари жуда катта сўроқ остида турибди. 2023 йил 13 апрелда Афғонистонга қўшни давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг тўртинчи учрашувида қабул қилинган Самарқанд декларациясида томонлар қўйидагиларни алоҳида таъкидлашган эди: “Афғонистонда жойлашган барча террористик гурухлар – “Ироқ ва Шом Ислом давлати (ИШИД)”, “Ал-Қоида”, “Шарқий Туркистон ислом ҳаракати”, “Техрик-е Толибон Покистон”, “Белужистон озод армияси”, “Жундалла”, “Жоиш ал-Адл”, “Жамоат Ансарулло”, “Ўзбекистон Ислом ҳаракати” ва бошқа ташкилотлар минтақавий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда”[5].

3. Геосиёсий хавфсизлик: ушбу тушунча минтақавий хавфсизликнинг таркиби қисми сифатида ташқи кучларнинг маълум бир ҳудуд ёки маконга таъсири ва хавфларини олдини олишга қаратилган ҳолати ҳисобланади. Афғонистон шароитида геосиёсий хавфсизликни минтақавий хавфсизликнинг бош шарти сифатида қабул қилиш лозим. Зероки, ташқи кучларнинг айнан Афғонистон ва унинг атрофида ўз таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсати геосиёсий хавфсизликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бизнингча, Афғонистон мисолидаги геосиёсий хавфсизликни 3 та

турга ажратиш ўринлидир. Биринчиси стратегик аҳамиятга эга Афғонистон худудларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мамлакатдаги этник ва сиёсий кучларнинг маълум худудлардаги таъсирини назарда тутувчи ички геосиёсий хавфсизлик. Иккинчиси минтақавий акторларнинг (Покистон, Эрон, Қатар, Ҳиндистон, Саудия Арабистони) таъсирини англатувчи геосиёсий хавфсизлик. Учинчиси эса, йирик акторларнинг (АҚШ, Хитой, Россия) рақобатини акс эттирган геосиёсий хавфсизлик.

Танланган мавзуга яқинроқ мавзуда иш олиб борган хорижий олимлар доираси анча кенглигини эътироф этиш лозим. Булар орасидан афғон маданий меросини ўрганиш бўйича америкалик мутахассис Л.Дюпри Афғонистонга кўплаб сафарлари жараёнида афғон мужоҳидлари вакиллари, покистонлик ҳарбийлар ҳамда америкалик дипломатлардан олинган маълумотлар келтирилган. У америкаликларнинг Афғонистондан кутилаётган мақсадларини чукур тахлилдан ўтказган.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида МРБ (ЦРУ) фаолиятини тахлил қилиш бўйича мутахассис Тим Вейнер ўз тадқиқотида мазкур ташкилотнинг Афғонистонда ва Покистонда олиб борган фаолиятининг кўламли тасвирини беради. Аммо афғон можароси тўғрисида камроқ сўз юритади.

Ҳиндистон миллий мудофаа вазирлиги хизматчиси Ж.Мехр ўз асари билан Афғонистондаги ҳодисаларга ҳинд нуқтаи назаридан қарашга имкон беради. Гарчи ушбу иш асосан Америка сиёсатига бағишлиланган бўлсада, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тарихий тўқнашувлар боис Ҳиндистон ҳам Афғонистондаги можароларнинг бевосита иштирокчисига айланиб қолган. шу боис ҳам АҚШнинг Исломобод билан ҳамкорлик қилиши Ҳиндистонга ҳам таъсир ўтказмасдан қолмаган. Мана шу таъсир Оқ уйнинг сиёсатидаги ҳамда Афғонистон ичидаги вазият шаклланишида Покистоннинг ўрнини тасвирлашда кўриниб туради.

Д.Холмес ва Н.Диксоннинг тадқиқоти АҚШнинг 1980-2001 йиллардаги Афғонистонда олиб борган фаолиятига бағишлиланади. Ушбу асар террорчиликка қарши уруш бошланганидан сўнг яратилган бўлиб америкалик дипломатлар ва маҳсус хизматларнинг мужоҳидлар ва “толиблар” билан ўзаро ҳаракатлари тўғрисидаги масалаларга қисман жавоб беради.

Замонавий Афғонистонни ўрганиш марказининг эксперти С.Пойя икки мамлакат шу жумладан Афғонистон ва Покистоннинг чегарага яқин худудлари тўғрисида сўз юритади. У иккала мамлакатнинг ҳам чегара олди худудлари борасидаги ёндошувини кўриб чиқади. Аммо иккала мамлакатга бошқа мамлакатларнинг таъсири борасида сўз юритмаган.

Журналист ва Афғонистон ҳамда Покистон бўйича эксперт К.Гэннон ўз тадқиқотида шўро қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан сўнг Афғонистоннинг ичида юзага келган вазиятни чуқур таҳлилдан ўтказади. Унинг Покистон ва Афғонистонга қилган кўпдан кўп сафарларига асосланган бу тадқиқоти афғон жанг майдонидаги асосий иштирокчилари ўртасидаги чуқур фарқни ҳамда 1989 йилдан Америка ҳарбий компаниясига бошлантунига қадар вазият қай даражада ўзгариб борганилигини кўрсатиб беради.

Юқорида келтирилган тадқиқотлардан келиб чиқадиган холоса шуки, Афғонистон ҳар қайси даврда минтақавий хавфсизликка таъсир этувчи муҳим омил бўлиб келган. Минтақавий хавфсизликнинг комплекс ёндашувларига оид тадқиқотлар Афғонистон мисоли этник, диний ва геосиёсий хавфсизлик масалаларини минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий таркиби сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу борада салмоқли хорижий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бироқ айнан АҚШ ва Покистон ўртасидаги хавфсизлик масалалари бўйича Афғонистон омили етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, давр тақозоси ҳам бугунги вазиятни мавзуга оид янги манбалар асосида баҳолашни муҳим заруриятга айлантироқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. 27.03.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/1601>
2. Buzan B., Waever O., de Wilde J. Security: A New Fraunewark for Analysis. L. 1998, 240 p. https://www.academia.edu/39047709/Buzan_Waever_and_De_Wilde_1998_Security_A-New_Framework_For_Analysis
3. Бўронов С.М. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнида Ўзбекистон геосиёсати. – Т.: EFFECT-D. 2021. – Б.17-19.
4. Хайдаров А.А. Мусульманское духовенство vs. власть в современном Афганистане: взгляд из Узбекистана // Мир и безопасность, Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Vol. 20 No. 4. – С.756-757.
5. Самаркандская Декларация четвертой встречи министров иностранных дел соседних с Афганистаном государств. 14.04.2023. <https://mfa.uz/ru/press/news/2023/samar-kandskaya-deklaraciya-chetvertoy-vstrechi-ministrov-inostrannyh-del-sosednih-s-afghanistanom-gosudarstv---33790>
6. Dupree L. Afghanistan. Publisher: Oxford University Press, USA, 2002. - 804 pp
7. Weiner T. Legacy of Ashes: The History of the CIA. - Anchor. 2008. 848 P.

8. Mehr J. America's Afghanistan War: The Success that Failed. 2004. Kalpaz Publications/Gyan Books. 329 P.
9. Holmes D., Dixon N. Behind the US war on Afghanistan, 2001. - Resistance Book. P. 62.
10. Пойя С., «Линия Дюранда»:60 лет без мира, 05 Апр. 2010 [Электронный ресурс] / Пойя С. // Проект «Все об Афганистане». - URL: <http://afghanistan.ru/doc/17027.html>
11. Gannon K. I is for infidel, From Holy War to Holy Terror in Afghanistan. - PublicAffairs. 2006. 186p